Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 28 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 49 (6945)

Da'vat

Оқил чин сўздин ўзгани демас,
аммо барча чинни ҳам демак — оқил иши эмас.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўпи байрами муносабати билан Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди «Йилнинг энг яхши журналисти» танловига тақдим этилган ишларни кўриб чиқиб, ғолибларни аниқлади. Унга кўра, тўрт нафар журналист биринчи, саккиз нафар журналист иккинчи, ун икки нафар журналист учинчи мукофот соҳиби бўлишди.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Ҳурматли журналистлар!

Сизларни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман!

Журналист деганда халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевиденіега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни изчил амалга ошириш, айниқса, жамиятни демократлаштиришда матбуотнинг ўрни беқиёс. Келажаги буюк давлат барпо этишга қаратилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини бойитиш соҳасидаги хайрли ишларда сиз, қалам аҳлининг муносиб хизматингиз бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Узбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун узбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақозо этади.

Ишончим комилки, заҳматкаш журналистларимиз яратилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан самарали фойдаланадилар, демократик ўзгаришларга турлича қарашларни эркин ва ҳаққоний ифодалаш орқали узбек журналистикаси нуфузини жаҳон андозалари даражасига кўтарадилар.

Сизларни, жумладан, барча матбаачиларни, босмахона ишчи-хизматчиларини касб байрамингиз — миллий матбуот куни билан яна бир бор қутлар эканман, ҳар бирингизга озод ва обод мамлакатимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақият, куч-ғайрат, соғлик-саломатлик тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БИЗГА АТАЛГАН КУН

Киши ҳаётида унутилмас кунлар бўлишига бугун яна бир карра ишондик. Бунга «Тошкент — Ленд» истироҳат боғида бўлиб ўтган маънавиятимизнинг энг илғор тарғиботчилари ҳисобланмиш матбуот ходимлари кунига бағишланган байрам тантаналари сабаб бўлди. Бу байрам матбуотимиз жонкуярларини янада изланувчан бўлишга ундаганини таъкидлаб, таассуротларимизни баён этсак...

Байрам тадбирини оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий фонди ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммад кириш сўзи билан очди. Сўнгра Президент девони ахборот марказининг раҳбари Саъдулла Ҳакимов йиғилганларга Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари номига битилган табригини ўқиб эшиттирди.

Матбуотимизнинг ўрнак бўлишга арзигулик ходимлари сўзга чиқиб, Президентимизнинг сўзлари журналистларга бўлган юксак ишонч самараси эканлиги ҳақида алоҳида қувонч билан гапирадилар.

Байрамда «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ғолибларига махсус совғалар топширилди. Шунингдек, Республика Халқ таълими вазири биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов ҳам табрик нутқи сўзлаб, халқ таълими вазири бўйруғига асосан халқ таълими тасарруфидаги нашрларнинг фаол ходимлари ҳам мукофотланганлигини эълон қилди. Жумладан, бизнинг «Маърифат» газетамизнинг энг изланувчан ходимларидан бири, тарғибот бўлими мудири Ҳулкар Тўйманова «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига, Карима Тоштемирова ҳамда адабиёт ва санъат бўлими мудири Алишер Назаров халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлишди.

Байрам ўзгача бир руҳда ўтди. Ишонамизки, бу тантаналар матбуотимиз ходимларини изланиш ва ҳозиржавоблик йўлларига ундашига шак-шубҳа йўқ.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов иштирок этди.

Гулноз МЎМИНОВА.

СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ ЯХШИЛАШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ИШИНИ ЯХШИЛАШ ҲАҚИДА

Ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида:

1. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин.

Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, уқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги кўрсатилсин.

2. Узбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» жамғармаси ҳамда Узбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича ва бошқа бир қатор манфаатдор ташкилотларнинг «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

2.1. Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази давлатга қарашли бўлмаган (нодавлат) мустақил илмий-тадқиқот муассасаси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Марказнинг низомида қуйидаги асосий вазифалари белгиланганлиги эътиборга олинсин:

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари, шунингдек ижтимоий муносабатлар ривожининг бошқа долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш;

— мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, давлат сиёсати ва ҳукумат фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва таҳлил этиш;

— ислоҳотларнинг долзарб муаммолари, аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг қарорларини тушунишлари юзасидан жамоатчилик фикрининг устувор йўналишларини аниқлаш;

— кишилар дунёқарашининг шаклланишидаги асосий йўналишлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онгининг ҳолати ва мазмунини аниқлаш;

— аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти савиясини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

— жамоатчилик фикрини ўрганишнинг услубий асосларини такомиллаштириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил қилиш;

— ижтимоий тадқиқотлар ўтказишнинг илмий-услубий талабларига мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича суровлар ўтказиш.

2.2. Жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига «Узбекистонда жамоатчилик фикри» махсус даврий журналини узбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилишга рухсат берилсин.

2.3. Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига хориждаги шу йўналишда иш юритувчи ташкилотлар билан халқаро алоқаларни амалга ошириш, унинг суровларига мувофиқ тегишли ахборотларни тақдим қилиш борасида ёрдам кўрсатсинлар.

2.4. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари ҳужжатлари, Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

3. Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари тузилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг бўлимлари ташкил қилинсин.

3.1. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

— мамлакатда ҳуқуқий таълимни ташкил қилишга ёрдамлашиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий соҳадаги таълим ишларини услубий жиҳатдан таъминлаш;

— аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

— аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштирилишини амалга ошириш ҳамда уларни марказнинг минтақавий бўлимларига етказиш;

— ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, уларни яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

— жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш.

3.2. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг таълим борасидаги ишларини ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан мувофиқлаштирсинлар, унинг суровларига кўра лекциялар ўқиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун тегишли мутахассисларни ажратиб, ҳар томонлама кўмак берсинлар.

4. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази тузилсин, мазкур марказда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқаруви идоралари, мулкчилик туридан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ўқитилиши кўзда тутилсин.

4.1. Қуйидагилар юристлар малакасини ошириш марказининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

а) ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

б) ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш;

в) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан алоқаларни амалга ошириш.

4.2. Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятини молиявий таъминлаш республика бюджетининг давлат ҳокимияти ва бошқарувига ажратилаётган маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

4.3. Марказга ўқув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республика ва чет эл илмий марказларининг кўзга кўринган олимларини, тажрибали амалиётчиларни ўриндошлик ёки алоҳида шартномалар тузиш йўли билан жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4.4. Юристлар малакасини ошириш маркази Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳужжатлари, Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

5. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг адлия ва суд идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқадиган алоҳида бошқарма тузиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

6. Адлия вазирлиги давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг республика аҳолиси учун илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр қилишини кенгайтириш борасида фаолияти дастурини ишлаб чиқсин (мавзули дастурлар ҳам шу жумладан).

6.1. Аҳолига сотиладиган ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар ва кўргазмали қўлланмалар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланиши белгилансин.

6.2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий кенгаши тузилсин.

6.3. Мазкур кенгашга нашр қилишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 25 июнь.

ИҚТИСОДИЙ ГАПНИНГ ЛЎНДАСИ
2-бет.

«ЖАҲОНГАШТА «БОБУРНОМА»
3-бет.

ЮЛДУЗЛАР ОЛАМИГА ЙЎЛ
4-бет.

Fikr, mulohaza, taklif

РУҲИЯТНИ АНГЛАШ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистонда эндигина оёққа туриб, ривожланиб келаётган ижтимоий психология фани демократик жамият қуриш йўлидан дадил бораётган фуқаролар ижтимоий тасаввурларининг ўзгариши қонуниятларини илмий асослаган ҳолда, бу психологиянинг устивор қирраларини ўрганмоғи ва уни бошқаришнинг илмий тамойилларини ишлаб чиқмоғи лозим. Чунки ижтимоий психология психологиянинг бошқа кўплаб тармоқларидан фарқли, бевосита жамият ва унинг ривожланиши тенденциялари билан бевосита боғлиқ фан тармоғидир. Шу боис ҳам кўзга кўринган француз психологи Серж Московиси «жамиятда социал психология учун долзарб бўлмаган муаммонинг ўзи йўқ», деб таъкидлаган бўлса, машҳур рус социал психологи Г. М. Андреева «Социал психологиянинг муаммоларини бевосита жамият белгилайди», деб ёзган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақил ривожланиш йўлидан бораётган республикамиз шароитида бу фикрлар ниҳоятда ўринли ва асослидир.

Биз ушбу мақоламизда ҳозирги даврда социал психологиянинг ёпилар тарбияси борасидаги вазифаларини белгилаш билан бир қаторда университет ва педагогика олий ўқув юртларида ёпларга социал психологик билимлар беришнинг айрим услубий тамойилларига эътиборни қаратишни мақсад қилиб қўйдик. Чунки бугунги кунда ёпларимизни мустақил фикрловчи, фаол, шижоатли, ўзига ишончли, зукко, жаҳон цивилизацияси ва миллий қадриятларининг билимдони, демократик муносабатларнинг субъекти этиб тарбиялашни амалга ошириш учун социал психология фани ана шундай шахс фазилатларининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини замонавий методлар ёрдамида таҳлил қилиши ва унинг шарт-шароитларини ўрганишни асосий вазифалардан деб белгилаши зарур.

Ижтимоий психология турли ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида шахс шаклланиши механизмларини ўрганар экан, тарбия жараёнини ҳам соф ижтимоий муносабатлар тизимининг бевосита маҳсули деб қарайди. Яъни, бу шундай ижтимоий психологик ҳодисаки, унинг натижасида ҳар бир

(Давоми 2-бетда).

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан мамлакатимизда футболни жаҳонга танитиш ва унинг нуфузини оширишдаги хизматлари ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта устози — «Нефтчи» Фарғона жамоаси бош мураббийси Юрий Вазгенович Саркисян «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

⊛ Миллий хавфсизлик кенгаши раиси, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлисида Қуролли кучлар таркибини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар масаласи кўриб чиқилди.

JUMLADA JAHON

⊛ Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Тошфарм — Американ интернейшнл» Ўзбек—Америка қўшма корхонасининг янги фармацевтика заводи очилди.

⊛ Туркиянинг янги Бош вазири Месут Йилмаз ўзи бошқараётган «Ватан» партияси вакиллари билан янги ҳукумат таркибини тузиш тўғрисида маслаҳатлашиш билан фаолиятини бошлади.

⊛ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Кофи Аннан Камбоджанинг собиқ диктатори Пол Потни халқаро трибунал судига топшириш тўғрисидаги қарорни имзолади.

⊛ Қирғизистон Президенти Асқар Акаев миллий парламентни рус тилини мамлакатдаги расмий тил сифатида тасдиқлашга чақирди.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Мана ёз фаслининг ҳам бир ойи ўтиб кетди. Ўқувчиларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Баъзилар шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда дам олишаётган бўлса, бошқалари мактабларида ташкил этилган соғломлаштириш масканларида ҳордиқ чиқаришяпти.

Айнан кейинги ҳолатни Юнусобод туманидаги 117, 273, 258, 265, 246, 235-мактабларда очилган оромгоҳларда кузатиш мумкин . Бу ерда тарбиячи-ташкилотчилар билан бирга қўшимча техник таълим комплекси тўгарак раҳбарлари ҳам ўқувчиларнинг дам олиш жараёнида «Тикувчилик», «БТМ», «Ганч» «Наққошлик» йўналишлари бўйича билимларини ҳам бойитмоқдалар.

Ш. ЖАЛОЛОВА.

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

... Қор ҳам ёнади деган ҳикматга амал қилган Шуманай туманидаги 9-ўрта мактаб директори Пўлат Нурғалиев чакки иш қилмади. У қишлоққа гастролга келган «Ўзбекнаво»нинг Қорақалпоғистондаги «Гулзор» дастаси бастакори ва қўшиқчиси Курол Бердаховга мактаб залини ижарага берганди. Концертдан тушган маблағнинг муайян фоизи мактаб ҳисоб рақамига ўтказилди.

Ғ. ЁҚУБОВ.

ҚЎШИҚҚА БУРКАНГАН ВАТАН

Қўшиқ — меҳру муҳаббатдан яралган туйғу. Юртимиз бўйлаб ўтказилаётган қўшиқлар байрами эса, айниқса, уларда Ватан мадҳи куйланганда, уни шу меҳр-муҳаббатга буркаб юбораяпти.

Яқиндагина Когон шаҳрида ўтказилган кўрик-танлов ҳам бунинг яна бир исботидир. Унда тумандаги барча санъаткорлар иштирок этишди. Ўзининг жозибали овози билан «Узбекистондан ўзим» қўшиғини ижро этган Ислом Тоғайқуловга биринчилик насиб этди. Иккинчи ўрин «Ватандан яхши ёр бўлмас» қўшиғи учун Шариф Шароповга, учинчи ўрин эса «Биздан озод Ватан қолсин» қўшиғи учун Насиба Тошматовага насиб этди.

Фотима ИСЛОМ қизи.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ҲУНАР — ЗАР

Чеварлик қиз боланинг севимли машғулоти ва яна фазилати ҳамдир. Бунинг устига яхшигина касб. Унга иштиёқи бўлган қизларга Уйчи туманидаги 12-касб-ҳунар мактаби жуда қўл келмоқда.

Бу ерда қизларга миллий кийимлар, сўзана, чойшаб, белбоғ, жойнамоз тикишни қойилмақом қилиб уддалаш сирларини ишлаб чиқариш таълими усталари Ф. Абдуллаева, С. Собирова пухта ўргатишяпти.

Г. БАДАЛОВА.

РУҲИЯТНИ АНГЛАШ АҲАМИЯТИ

(Боши 1-бетда).

шахсда ўзи, ўз «Мени» ва ўзга шахслар ҳақида тасаввур тизими шаклланади ва бунда фаол ижтимоий мулоқот муҳим роль ўйнайди. Янгича ижтимоий-иқтисодий тузум шароитида адекват ижтимоий тасаввурлар тизимини ўз ичига олган ва тўғри демократик муносабатларга асосланган мулоқот — янгича фикрлаш ва тафаккурнинг муҳим шартидир. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, биринчидан, барча турдаги олий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларга ўқув режалари ва дастурлари доирасида ижтимоий психологиянинг асосий предмети ҳисобланган мулоқот техникаси ўргатилмоғи лозим. Тўғри, ушбу мавзу умумий психология, ёш ва педагогик психология фанлари доирасида шу кунгача ажратилган соатлар ҳажмида ўқитилиб келинмоқда, лекин, эндиги вазифа ёшларда турли вазиятларда ўзини оқлайдиган коммуникатив билимдонлик ва маданиятни тарбиялашдир. Бунинг асосий бирламчи шарти шуки, барча тур босқичдаги ўқув юртларида таълим берувчи ва таълим олувчи, тарбияловчи ва тарбияланувчилар ўртасида ноанъанавий, янгича муносабатларнинг ўрнатилишидир. Яъни, энди муносабатлар О-S (объект-субъект) тарзима эмас, балки S-S тарзли демократик тамойилларда ташкил этилиши лозим ва бу ўринда социал психология фанининг салмоғи сезиларлидир. Бундай муносабатларнинг асл моҳияти шундаки, эндиги асосий вазифа ўқитиш эмас, балки ўқувчи талабаларни ўқишга ўратиш, таълим-тарбия жараёнининг фаол субъектига айлантиришдир.

Айнан шундай муносабатлар шахс психологиясида ва муносабатлари тизимида янгича ҳолатни келтириб чиқаради. Яъни энди шахс ўзини: а) эркин ҳис қилади; б) ўз имкониятлари ва иқтидори ҳақида тўғри тасаввурлар ҳосил қилади; в) ўз имкониятлари ва иқтидори ҳақида тўғри тасаввурлар ҳосил қилиш имкони яратади; г) «Мен» дастурини мукаммаллаштириш имконияти ҳосил бўлади.

Социал психология курсларида ёшлар онгига сингдирилиши лозим бўлган парса яна шуки, улар турли расмий ва норасмий тазйиқлардан холи, лекин ҳуқуқий ва кафолатланган фаол ўзаро мулоқотгина шахслараро ўзаро муносабатларда эркин фикрлаш ва ҳис-кечинмаларнинг баён этилишига замин бўла олишини англашлари керак.

Демак бундай муносабатлар ҳуқуқий маданият тушунчаси билан ҳам боғлиқ, яъни ўз ҳақ-ҳуқуқи, бурчларини англаш ўзгаларда маълум ҳуқуқ ва бурчлар борлигини тушуниш, адекват- тўғри муносабатлар тизимини шакллантиришни тақозо этади. Бундай ҳуқуқий ва инсоний маданият ҳар бир шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини тартибга чақириш қобилияти билан боғлиқ. Агар ҳаётдан мисол оладиган бўлсак, ибратли хулқка эга бўлган шахслар аввало ўз хулқатворини ўзгаларники билан мувофиқлаштирадилар, турмушда интизом мезонларига доимо бўйсунадилар. Бундайларни биз маданиятли, одобли деб атаймиз. Ёки бирор соҳада улкан ютуқларга эришга олган шахслар — моҳир спортчи, санъаткор, педагог, олим бошқалардан аввало ўз устида ишлаш, ўзгалар манфаатлари нуқтаи назаридан фаолиятларини бошқара олишлари билан ажралиб турадилар.

Шундай қилиб, S-S типли ўзаро муносабатлар ижтимоий билимдонлик, саводлилик ҳамда ўзгалар мавқеига тура олиш санъатини талаб қилади. Чунки бундай типли мулоқот одамлар ўртасидаги мулоқотдаги икки асосий камчиликнинг олдини олади: а) тафаккурнинг муқобил бўлиши заруратини; б) ўз фикрлари ва ҳаракатларининг асл сабабларини-мотивларини англаш, Эго-эҳтиёжлар табиатини тушуниш.

Олий ўқув юртларида юқорида таъкидланган вазифаларни социал психология курси доирасида амалга ошириш, талабалар психологиясини ўзгартиришнинг асосий ва муҳим йўли — социал психологик тренингдир. Социал психологик тренинг (СПТ), маълумки, ижтимоий психологик билимдонликни оширишнинг самарали усули, методидир. Нафақат ижтимоий психология бобига тааллуқли мавзулар, балки умумий, ёшлар ва педагогик психология курслари доирасида ҳам қатор мавзулар юзасидан тренинглар дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалий машғулотларнинг маълум фоизи фақат тренинглар шаклида амалга оширилиши бўлғуси мутахассисларда касб малакалари ва маҳоратини шакллантиришга кўмак беради.

Социал-психологик тренинглар ягона дастур ва мукаммал ишланган сценрийлар асосида ташкил этилиши зарур. Масалан, талабаларда аудитория билан ишлаш ва унда зарур бўлган коммуникатив билимдонликни ошириш мақсадида «Монолог», «Телефон», «Интервью», «Меҳмон», «Мажлис», «Оммa олдида нутқ сўзлаш», «Оилавий роллар» каби қатор мавзуларда тренинг ўйинлар дастурини таклиф этиш мумкин. Фарғона давлат университетида қатор йиллар мобайнида мутахассислар тайёрлашда ушбу дастурлар ижобий самаралар бермоқда.

Қолаверса, ёшлар — бўлғуси мутахассислар ва тарбиячиларни социал психологик малака ва билимлар билан қуроллантириш учун барча ихтисосликлар ўқув режаларига «ижтимоий психология» курси киритилиши мақсадга мувофиқдир. Бу курснинг асосий мақсади — талабаларни бўлғуси ижтимоий фаолиятта психологик жиҳатдан тайёрлаш, уларда зарур инсоний фазилатларни тарбиялаш, коммуникатив билимдонлик ва кишилар билан ўзаро мулоқотнинг мураккаб шаклларига мослашиш жараёнларини тезлаштиришдир. Бу нарса биринчи навбатда педагогика ихтисосликларига алоқадор бўлиб, уларда ҳам умумий психология, ёшлар ва педагогик психология курслари билан бир қаторда ижтимоий психологияга ҳам алоҳида соатлар ажратилмоғи шарт. Афсуски, педагогика олийгоҳларида бу фанга етарли эътибор берилмайди, айрим ихтисосликлардагина (мактабгача тарбия методикаси) ажратилган 30 соатлик курс мураккаб педагогик жараёнга педагогни тайёрлашга етарли эмас. Чунки педагогик фаолиятнинг соф ижтимоий фаолият эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, бу ерда бола шахси социализациясининг ижтимоий-психологик шартларидан тортиб, унда шаклланиши зарур бўлган маънавий фазилатлар, ижтимоий установкалар, гуруҳий жараёнлар, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигининг психологик қонунлари ва бошқалар ушбу курсни албатта киритилишини тақозо этади. Бундан ташқари, университетларда тайёрланаётган, бугунги кунда устивор ҳисобланган мутахассисликлар — иқтисодчи, менежер, ҳуқуқшунос, хорижий тиллар филологи, шифокор каби қатор мутахассисликларнинг барчаси ҳам бўлғуси касб эгасида ўз соҳаси бўйича ижтимоий фаолиятта психологик жиҳатдан тайёр бўлишни, инсонлар билан ишлаш, улар фаолиятини бошқаришни талаб қилгани учун ҳам ижтимоий психологик билимларсиз улар касб маҳоратини тасаввур қилиш қийин.

Шундай қилиб, бугунги олий ўқув юртларининг талабалари эртанги куннинг етук мутахассислари ва зиёлилар сифатида ўсиб келаётган авлод онги ва руҳиятига адолат, Ватан билан фахрланиш, эртанги кунга ишонч, миллий гурур, ифтихор туйғуларини сингдиришда шахсий ўрнак намунаси билан ўз ҳиссасини қўшмоқлари шарт. Чунки зиёлиликнинг муҳим белгиси умуминсоний қадриятларни билиш, уларни қадрлаш, ўз касби сир-асрорларини чуқур билимдони ва моҳир устаси бўлиш, касб этикаси, педагогикаси ва психологияси асосларини тўлиқ англаш ва уларни ўз фаолиятида қўллашдир.

В. КАРИМОВА,
психология фанлари доктори,
Фарғона Давлат
университети.

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

КАМАРБАСТАЛИК

Шаҳрихон тумани халқ таълими ходимлари тумандаги барча таълим тарбия муассасаларида (48 та мактаб, 55 та болалар боғчаси, 5 та мактабдан ташқари тарбия муассасаси) жорий таъмирлашни тез, соз ва қисқа фурсатларда ниҳоясига етказишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Таъмирлаш ишларини барвақт тугаллашга вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги, тумандаги барча жамоа хўжалиги раислари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғини оқсоқоллари, фермер хўжалиги раҳбарлари амалий ёрдам кўрсатишаётир.

Таниқли муаллим, 4-ўрта мактаб директори Рустамжон Усмонов кутилмаган, ниҳоятда аҳамиятли ташаббус билан чиқди:

— Ички имкониятларни ишга солган ҳолда янги ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида 4-5 йил олдий таъмир ишларини ўз кучимиз билан ташкил этамиз.

Бу ташаббус Озодбек Обобакиров, Мунаввархон Ғозиева, Қобилжон Йўлдошев, Одилжон Парпиев, Соҳибахон Фозилова, Мавлудахон Маматқосулова сингари мактаб директорлари томонидан қўллаб-қувватланди. Тумандаги қатор болалар боғчалари жамоалари ҳам бино жиҳозларини кўз қорачиғидек асраш — «Умрини узайтириш» ҳисобига улардан узоқ фойдаланиш ташаббусига қўшилдилар.

Машраб РАҲМОН АЛИ, Андижон вилояти.

Ta'kid

Ўзбекистонимизда кейинги йилларда маънавиятга катта эътибор билан қаралмоқда. Хўш, маънавият нима ўзи? Бу сўзни ҳар ким турлича талқин этади. Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев маънавиятга шундай таъриф беради: «Маънавият одамни бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи эзгу фазилатлар мажмуи».

Шундай экан, мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини бунёд этувчи, Ватаннинг нурли истиқболи учун ўз улушини қўшувчи ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан бой ва руҳан гўзал бўлиши керак. Ҳаммамизга аёнки, озод юртимизнинг равнақи ва келажаги, айниқса, ёшларга боғлиқ. Улар шу бойлик ва гўзалликни қаердан оладилар? Албатта, бунда оила, боғча, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг сезиларли фаолиятлари катта аҳамиятга эга. Чунки ўқитувчилар ёш авлодни тарбияловчи ва уларни ҳар томонлама камолотга етказувчи асосий кучдир.

ТАРБИЯЛАШ — НОЗИК САНЪАТ

Давлатимиз халқ таълимига, маърифатга катта эътибор бермоқда. Бунинг натижасида таълим тизимида ва таълим-тарбия ишларида катта ўзгаришлар содир булаётир. Порлоқ истиқбол сари тўғри ва кенг йўлни танланган экан, шубҳасиз, бу йўлни зиёлилар, жумладан, ўқитувчилар ёритиб турадилар. Рудакий айтганидек:

Жаҳонда муаллим бўлмаса агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.

Шундай экан, ёшларнинг тарбияси, билим савияси, маданияти қай даражада бўлмоғи биз ўқитувчиларга боғлиқ. Буни ҳеч қачон унутмаган ҳолда ўз билимимиз, савиямизни кун сайин оширмоғимиз лозим. Ўқитувчилик касбини танлаган киши болаларни севиши, уларга фидойилик билан сабоқ бериши, моҳир ва тадбиркор бўлиши, ўзи тарбиялангган ва чуқур билимга эга бўлган гўзал онг, гўзал қалб, гўзал тил соҳиби бўлиши лозим. Чунки тарбиялаш ғоят масъулиятли нозик санъатдир.

Наргиза МИРҲАБИБОВА,
Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 155-мактаб ўқитувчиси.

Davlat test markazi tahlili

КЎЗГУДА ОХИРГИ ВИЛОЯТИМИЗ — СУРХОНДАРЁ

Тест синовлари натижаларини махсус статистик дастур ёрдамида ишлаб чиқиш орқали Республика олий ўқув юртлари миқёсида, йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича барча абитуриентларнинг фанлар бўйича сифат кўрсаткичлари, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича таълимнинг ривожланиш даражаси ва тамойиллари аниқланади, бу эса таълимни қайта қуриш ва ислоҳ қилиш ҳақида муайян хулосаларга олиб келади.

Газетанинг бугунги саҳифасида Сурхондарё вилояти миқёсида шаҳар ва туманлардан 1996 йилда тест синовларида иштирок этган абитуриентларнинг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили устида тўхталиб ўтамиз.

Сурхондарё вилоятининг натижаларини республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг фанлар бўйича ўртача самарадорлик кўрсаткичлари билан таққослаш қуйидагиларни берди:

Фанлар	Самарадорлик кўрсаткичи	Республикадаги ўрни	Республика бўйича ўртача самарадорлик
1. Ўзбек тили ва адабиёти	38.13	14	45.41
2. Математика	33.11	14	40.65
3. Физика	24.07	14	27.43
4. Биология	42.25	14	54.64
5. Кимё	31.90	14	42.82
6. Тарих	43.94	13	51.22
7. География	37.24	12	43.33
8. Инглиз тили	28.92	14	38.81
9. Немис тили	24.80	11	27.26
10. Француз тили	25.48	13	29.26

Сурхондарё вилояти миқёсида ўтказилган тест синовларининг натижалари барча фанлар бўйича Республиканинг ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан 5—10 фоиз паст эканлигини кўриш мумкин.

Шаҳар ва туманларнинг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичларини вилоят кўрсаткичлари билан таққослаш ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича: Сариосиё, Бойсун, Узун, Музробот, Қизириқ туманлари, математика фани бўйича: Термиз, Денов шаҳарлари, Сариосиё, Бойсун, Қумқўрғон туманлари, физика фани бўйича: Сариосиё, Қумқўрғон туманлари, биология фани бўйича: Денов, Бойсун, Бандихон, Музробот, Шўрчи, Шеробод туманлари ва Денов шаҳри, кимё фани бўйича Денов, Термиз шаҳарлари, Денов, Бойсун туманлари, тарих фани бўйича: Денов шаҳри ва тумани, Узун тумани, география фани бўйича, Бойсун, Қумқўрғон туманлари, Термиз шаҳри, инглиз тили фани бўйича Термиз шаҳри, Сариосиё ва Термиз туманлари, немис тили бўйича: Узун, Қизириқ туманлари ва Термиз шаҳри, француз тили бўйича: Сариосиё, Термиз, Шеробод туманларида вилоят кўрсаткичларида бироз юқори эканлигини кўрсатди.

Жадвал ва гистограммаларда келтирилган фактлар таълимнинг натижаси ҳисобланади, табиийки, қўлланиши керак бўлган мактаблардаги умумтаълим андозалари, дастурлар, дарс беришнинг самарали услублари, ўқув қўлланмаларининг мавжудлиги ҳамда уларни жорий этилиши каби мезонларга, шунингдек, педагогик кадрлар билан таъминланганлиги ва уларнинг тайёргарлигига, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига бевосита боғлиқдир.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари юқорида зикр этилганлардан тўғри хулоса чиқариб, услубиёт хоналари томонидан 1996 йил тест синовлари натижаларининг таҳлилидан келиб чиқувчи хулосаларга асосланган тавсиялар, тадбирий чоралар ишлаб чиқиш, ўқитувчилар малака ошириш институтининг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

Қуйида вилоятнинг 1996 йил тест синовлари натижаларининг таҳлили жадвал ва гистограммалар кўринишида берилади.

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили						Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Термиз шаҳри	368	37.81	9	111	47.87	2	201	38.64	3	38	41.08	4
2	Денов шаҳри	110	37,58	10	20	54.44	1	65	40.21	2	8	43.40	1
3	Термиз тумани	217	36.46	14	10	40.56	8	124	31.83	9	4	35.42	9
4	Денов тумани	427	37.84	8	2	26.39	15	280	31.97	8	0	0.00	0
5	Сариосиё тумани	230	41.07	2	13	33.55	13	109	35.96	4	1	41.67	3
6	Ангор тумани	290	37.50	11	7	40.48	9	169	28.91	15	0	0.00	0
7	Бойсун тумани	271	41.77	1	8	31.94	14	143	40.50	1	3	42.59	2
8	Жарқўрғон тумани	405	35.73	15	16	44.27	4	264	32.65	6	3	22.22	10
9	Узун тумани	267	39.65	3	6	33.80	12	117	32.08	7	1	13.89	11
10	Шеробод тумани	269	38.58	6	20	40.69	7	148	30.05	13	6	35.65	8
11	Шўрчи тумани	413	36.84	13	25	33.89	11	235	31.37	10	7	36.11	7
12	Қумқўрғон тумани	437	38.04	7	22	43.81	5	260	35.81	5	5	38.89	5
13	Музробот тумани	255	39.06	5	17	41.01	6	150	29.54	14	7	38.10	6
14	Қизириқ тумани	170	39.12	4	1	38.89	10	94	30.23	12	0	0.00	0
15	Бандихон тумани	68	35.66	16	1	44.44	3	37	28.60	16	0	0.00	0
16	Олтинсой тумани	263	37.35	12	0	0.00	0	134	31.18	11	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Физика						Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Термиз шаҳри	46	22.89	15	33	30.39	2	57	34.84	15	3	51.85	3
2	Денов шаҳри	20	23.06	12	5	27.22	4	19	50.58	2	2	73.61	1
3	Термиз тумани	48	24.54	5	4	21.53	8	43	42.96	9	1	22.22	7
4	Денов тумани	152	23.68	8	0	0.00	0	64	51.56	1	0	0.00	0
5	Сариосиё тумани	50	27.50	2	0	0.00	0	58	36.64	13	1	47.22	4
6	Ангор тумани	49	23.92	7	0	0.00	0	59	48.49	4	0	0.00	0
7	Бойсун тумани	63	27.51	1	2	15.28	10	66	49.12	3	0	0.00	0
8	Жарқўрғон тумани	122	22.50	16	3	25.00	6	85	36.01	14	2	37.50	6
9	Узун тумани	63	23.50	9	1	16.67	9	99	44.47	7	0	0.00	0
10	Шеробод тумани	59	24.62	4	5	22.22	7	57	40.11	10	2	59.72	2
11	Шўрчи тумани	110	23.26	11	5	26.11	5	100	44.44	8	3	42.59	5
12	Қумқўрғон тумани	142	25.18	3	4	27.78	3	93	39.81	11	0	0.00	0
13	Музробот тумани	59	23.02	13	7	32.14	1	45	44.69	6	0	0.00	0
14	Қизириқ тумани	34	24.18	6	0	0.00	0	30	33.61	16	0	0.00	0
15	Бандихон тумани	18	22.99	14	0	0.00	0	19	48.10	5	0	0.00	0
16	Олтинсой тумани	48	23.38	10	0	0.00	0	72	38.43	12	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё						Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Термиз шаҳри	22	35.86	5	3	29.63	4	126	44.71	8	70	33.33	9
2	Денов шаҳри	18	45.37	1	3	55.56	1	27	48.97	2	10	52.78	1
3	Термиз тумани	32	24.74	16	1	11.11	6	60	46.99	4	5	41.67	3
4	Денов тумани	67	37.15	2	0	0.00	0	97	51.63	1	2	40.28	4
5	Сариосиё тумани	53	28.41	13	0	0.00	0	71	46.09	6	12	31.48	11
6	Ангор тумани	53	29.66	10	0	0.00	0	87	37.99	16	7	26.19	12
7	Бойсун тумани	66	36.91	3	0	0.00	0	73	42.09	11	5	37.78	6
8	Жарқўрғон тумани	59	29.38	12	2	29.17	5	95	42.84	10	11	42.42	2
9	Узун тумани	94	36.58	4	0	0.00	0	54	47.48	3	5	40.00	5
10	Шеробод тумани	48	26.56	14	2	38.89	2	83	40.16	14	12	31.71	10
11	Шўрчи тумани	89	33.86	6	3	37.04	3	113	41.00	13	15	35.00	7
12	Қумқўрғон тумани	78	29.56	11	0	0.00	0	113	41.84	12	17	33.50	8
13	Музробот тумани	37	29.80	9	0	0.00	0	86	43.25	9	10	21.94	14
14	Қизириқ тумани	23	30.19	8	0	0.00	0	64	46.74	5	1	11.11	15
15	Бандихон тумани	16	33.85	7	0	0.00	0	15	38.89	15	1	25.00	13
16	Олтинсой тумани	78	26.28	15	0	0.00	0	71	44.91	7	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	География						Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Термиз шаҳри	3	45.37	2	0	0.00	0	171	35.28	1	58	46.22	1
2	Денов шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0	58	30.51	5	12	36.34	2
3	Термиз тумани	4	38.19	7	0	0.00	0	37	32.28	3	3	34.26	5
4	Денов тумани	17	39.22	5	0	0.00	0	125	28.80	7	2	30.56	8
5	Сариосиё тумани	3	36.11	10	0	0.00	0	67	34.78	2	6	35.65	4
6	Ангор тумани	21	34.26	12	0	0.00	0	62	27.37	9	4	31.25	6
7	Бойсун тумани	4	46.53	1	0	0.00	0	43	25.84	13	1	25.00	11
8	Жарқўрғон тумани	8	35.07	11	0	0.00	0	90	29.48	6	7	35.71	3
9	Узун тумани	11	32.58	13	0	0.00	0	70	30.71	4	3	22.22	13
10	Шеробод тумани	5	31.11	14	0	0.00	0	92	26.33	12	10	27.22	10
11	Шўрчи тумани	15	36.48	9	0	0.00	0	132	26.64	11	13	30.56	7
12	Қумқўрғон тумани	15	42.41	3	0	0.00	0	116	27.90	8	18	27.62	9
13	Музробот тумани	10	38.06	8	0	0.00	0	70	24.48	15	8	23.61	12
14	Қизириқ тумани	3	25.00	15	0	0.00	0	52	26.66	10	0	0.00	0
15	Бандихон тумани	2	40.28	4	0	0.00	0	18	25.00	14	0	0.00	0
16	Олтинсой тумани	11	38.64	6	0	0.00	0	64	24.26	16	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили						Француз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида			Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Термиз шаҳри	77	27.71	3	17	17.81	9	0	0.00	0	0	0.00	0
2	Денов шаҳри	7	26.98	5	0	0.00	0	0	0.00	0	0	0.00	0
3	Термиз тумани	75	21.74	14	2	15.28	10	2	29.17	2	0	0.00	0
4	Денов тумани	39	25.78	7	0	0.00	0	2	26.39	6	0	0.00	0
5	Сариосиё тумани	39	25.14	8	3	20.37	8	4	32.64	1	2	20.83	5
6	Ангор тумани	46	23.25	10	1	25.00	3	30	28.33	4	2	18.06	6
7	Бойсун тумани	61	27.28	4	5	28.89	2	16	26.39	5	0	0.00	0
8	Жарқўрғон тумани	28	20.93	16	2	55.56	1	38	26.02	7	2	47.22	1
9	Узун тумани	11	35.35	1	2	20.83	7	7	22.22	13	0	0.00	0
10	Шеробод тумани	22	22.35	12	2	23.61	4	16	28.65	3	1	25.00	3
11	Шўрчи тумани	10	21.94	13	3	8.33	11	8	25.00	10	1	27.78	2
12	Қумқўрғон тумани	21	26.06	6	0	0.00	0	19	23.39	11	0	0.00	0
13	Музробот тумани	26	21.26	15	2	20.83	6	20	20.00	14	0	0.00	0
14	Қизириқ тумани	11	28.79	2	0	0.00	0	20	25.83	8	1	22.22	4
15	Бандихон тумани	5	22.78	11	1	22.22	5	1	25.00	9	0	0.00	0
16	Олтинсой тумани	24	25.12	9	0	0.00	0	14	22.62	12	0	0.00	0

Maktab kutubxonasiga

ИҚТИСОДИЙ ГАПНИНГ ЛЎНДАСИ

«Отанг-бозор — онанг-бозор» мақоли амалиётда ўз аксини топаётган ҳозирги даврда энг оддий иқтисодий билимларга эга бўлмаслик кишини нафақат маънавий жиҳатдан, балки моддий жиҳатдан ҳам қашшоқ қилиб қўйиши маълум. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг иқтисодий билимли бўлишига эришиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Эндиликда иқтисодий билим асослари барча ўқув юртларида ўргатила бошланди. Аммо ўқувчи ва талабаларнинг мураккаб иқтисодий тушунчаларини, қолаверса, иқтисодий ривожланиш қонунларини тушуниб олишлари осон кетмаяпти. Мамлакатимизнинг ўз тараққиётида илгари бўлмаган янги иқтисодий шароитларга ўтаётганлиги, иқтисодий онгнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, айниқса, иқтисодий билимлар методик жиҳатдан тушунарли ва изчил қилиб баён этилган ўқув қўлланмаларининг етишмаслиги бунга сабаб бўлмоқда.

Маълумки, мураккаб масалаларни тархлар (чизмалар) ёрдамида тушуниш уларни матндан англашга қўра анча осон кечади. Мазкур тажриба иқтисодий қонуниятлар ва категорияларни узлаштиришда ҳам қўл келади. Буни яқиндагина босилиб чиққан «Иқтисодиёт назарияси: кўргазмали ўқув қўлланма» китоби мисолида яққол кўриш мумкин. Иқтисод фанлари номзоди, доцент Шариф Қобилов қаламига мансуб ушбу китобчанинг олам юзини кўришида Узбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва «Шарқ» нашриёт-матбаа концертининг жонкуяр ходимлари, шунингдек, Чирчиқ шаҳридаги «Ҳилола» фирмасининг хизмати катта бўлди.

Халқимиз гапнинг лўндасини ҳуш кўради. Бу китобча-иқтисодий гапнинг айни лўндаси. Иқтисодиётдан хабари бўлмаган ўқувчи ҳам қўлланмани ўқиб, энг асосий тушунчаларга эга бўлади, хабардори эса ўз билимларига аниқлик, ва изчиллик киритади. Қўлланманинг ўқув дастури асосида тузилганлиги мактаб, лицей ва бошқа турдаги ўқув юртларида фойдаланишда осонлик туғдирса, ихчам тархлар тарзида тайёрланганлиги ундан транспортда, раста орқасида, танаффусда, имтиҳон олдидан зудлик билан керакли маълумотни олиш имконини беради.

Иқтисод нима? Бозор-чи? Иқтисодий ривожланиш қандай қонунларга бўйсунади? Меҳнатимиз унуми нимага боғлиқ? Мулк нима-ю унинг турлари қандай? Иқтисодий ўсиш учун нима керак? Миллий бойлик нимадан ташкил топади? Бозорнинг қандай турлари бор? Пул қадри нима учун гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушади? Уни қандай қилиб ошириш мумкин. Бу каби барчани қизиқтирадиган саволларга ҳам, молия, кредит, бюджет, солиқ, талаб ва таклиф, нарху наво, тадбиркорлик, менежмент, маркетинг, рақобат, даромад, турмуш даражаси, харажатлар, капитал ва солиқ, халқаро иқтисодий ташкилотлар, банклар, фондлар, импорт ва экспорт, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари каби тадбиркор, ишбилармон мутахассисларни қизиқтирадиган кўпгина саволларга ҳам китобдан жавоб топиш мумкин.

Энг асосийси, бу маълумотлар кафтдаги ойнадек равшан, тушунарли чизмаларда ифодаланганлиги учун ҳам китоб мактаб ўқувчисидан тортиб олий маълумотли мутахассисгача — ҳамма-ҳаммага маъқул ва манзур бўлади.

Барно РАЗЗОҚОВА,
Тошкент шаҳридаги
244-мактаб-лицей
ўқитувчиси.

Tajriba

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР

Сунгги пайтларда булаётган ислоҳотлар ёш авлодни илғор мамлакатларнинг таълим жараёнида эришган ютуқларидан фойдаланилган ҳолда ўқитишга шароит яратди. Бу эса таълим-тарбия ишида янги педагогик технология, яъни ўқув жараёнида кўпроқ ўқитувчи эмас, ўқувчи меҳнат қилишини тақозо этади.

Демак, биз педагоглар олдида турган долзарб масала, ўқув жараёнининг янги-янги усулларини ўйлаб топиб, бу усуллардан дарс жараёнида ҳамда синфдан ташқари машғулотларда фойдаланишга ижодий ёндашишдир.

Мазкур мақолада биз ўз тажрибаларимизда синаб кўриб, яхши натижаларга эришаётган қуйидагича ноанъанавий дарс усулларини тавсия қиламиз.

1. «Тест суровн» асосида дарс ўтиш усули.

2. Синфда «Дарслик билан ишлаш» асосида дарс ўтиш усули.

3. Такрорлаш дарсини «ўйин» тарзида ўтиш усули.

4. Дарсни «аукцион» тарзида ўтиш усули.

5. Дарсда «оғзаки баёнга ёзма жавоб» усули.

6. Амалий машғулотларда «ЭҲМдан фойдаланиш» усули.

7. Амалий машғулотлар дарсида «мустақиллик ва эркинлик» усули.

8. Масалалар ечиш дарсида «топқирлик ва зукколик» усули.

9. Қўшимча адабиётлар билан ишлашда «ёзма иш» ёки «оғзаки мусобақа» усули.

10. Якуний дарсларни «жадваллар тарзида» ўтиш усули.

11. Ўқувчилар билимини баҳолашда кўп баллик система «тест-рейтинг» усулидан фойдаланиш.

Санаб ўтилган бу ноанъанавий усулларнинг барчасида ҳам ўқувчиларнинг билимини баҳолашда кўп баллик система — тест - рейтинг усули жуда қўл келади.

Мисол тариқасида физика фанидан дарсни янги педагогик технология асосида ноанъанавий «Тест сўрови» усулида ўтиш ҳақида фикр юритсак.

Масалан, 11-синф физика дарслигида (Г. Я. Мякишев, Б. Б. Буховцев) «Ядро реакциялари» мавзуини ўтишдан олдинги дарсда ўқувчиларга шу мавзуни ўзлари ўйда дарсликдан ва синфда бўлган қўшимча адабиётлардан (Р. Б. Бекжонов, «Атом, ядро ва зарралар») мустақил ўқиб тайёрланиб келишини буюрамиз ва улардан тест сўровлари бўйича назорат иши ўтказилишини тушунтирамиз.

Ўқитувчи шу дарсга қуйидагича махсус тайёрланади:

Мавзу бўйича 5 та тест саволлари тузали. Ҳар бир саволга 5 талан жавоб тузилади, шулардан 1 таси тўғри жавоб бўлади. Тест сўровлари ўқувчилар сонига қараб кўпайтирилади. Шу асосда 45 минутлик дарс режа асосида қуйидагича амалга ошади:

2 минут ташкилий қисмига сарфланади.

2 минут тест варақалари ўқувчиларга тарқатилади.

10 минут ўқувчилар саволларга тўғри жавобни қидиради.

2 минут варақаларни йиғиб олишга сарфланади.

Ўқитувчи ўқувчиларни шу мавзу бўйича 10 та машқнинг 5 ёки 6 та масалаларини мустақил ечишга ундайди ва ўзи тест натижаларини баҳолашга киришади. Масалаларни ечишда ўқувчиларни назорат қилишни 2 та аълочи ўқувчига болалар сонини тенг 2 га бўлиб топширади.

Ўз-ўзини назорат қилиш асосида ўқувчилар масала ечишга тушадилар.

Дарснинг ўз-ўзини бошқариш ва натижаларни баҳолаш қисмига 10 минут вақт сарфланади.

Демак, 26 минут ўтди. 15 минут ўқитувчи янги мавзу бўйича тўхталиб, асосан ўқувчилар тўғри жавобни топишга адашган саволга кўпроқ ўрғу бериб, янги мавзуни тушунтиради. Қолган 4 минутда савол-жавоблар қилиб янги мавзуни мустаҳкамлайди ва машқлаги масалаларга эътиборни қаратади.

Ниҳоят 45 минутда янги мавзуни чуқур ўрганишга имкон туғилади ва ўқувчилар 100 фоиз баҳоланади. Бу услубда таълим олишда ўқувчиларнинг ўзлари кўпроқ меҳнат қилади. Мустақил ўқишга мажбур бўлади. Бу эса ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникмаларини пайдо қилади. Шахснинг иродасини чиниқтиради, бу услуб ўқувчиларни мустақил меҳнат фаолиятига ва мактабни битиргандан сўнг ўқишни давом эттиришга тайёрлашда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

С. РЎЗИБОЕВ,
доцент, Жиззах вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти физика, математика ва информатика кафедраси мудири.

«ЖАҲОНГАШТА «БОБУРНОМА»

Узбек мумтоз адабиётининг ёрқин сиймоларидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди дунё бўйлаб кенг тарқалган. Машҳур «Бобурнома» (ёки «Воқеоти Бобурий», «Вақоеъ»...) — Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, Фарғона вилояти, Андижон шаҳри, Урта Осиёнинг бошқа йирик шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Уратепа, Термиз, шунингдек, Қобул улусининг йирик шаҳарлари — Қобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, Шимолий Ҳиндистон сингари юртларнинг ўзаро сиёсий—иқтисодий ва савдо муносабатлари, жўғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, халқлари, уларнинг яшаш шароитлари, муҳим тарихий иншоотлари — ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, туй ва маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзига қамраб олган шоҳ асардир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмоқда.

Маълумки, Заҳириддин Бобурнинг тарихий, илмий, адабий меросини ўрганиш ҳамда оммалаштиришда Россия, Марказий Осиё, хусусан, Узбекистон олимларининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

XIX—XX асрлар давомида Георг Кер, Н.Ильминский, О.Сенковский, М.Салье, Порсо Шамсиев, Содир Мирзаев, В.Зоҳидов, Я.Ғуломов, Р.Набиев, С.Азимжонова, А.Қаюмов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан «Бобурнома» бир неча бор ўзбек ва рус тилларида чоп этилди, уларга сўзбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлантирилди.

Яқиндагина, яъни 1996 йилнинг ниҳоясида Бобуршунослик соҳаси муглақо янги бир илмий адабиёт ҳисобига бойиди. Бу янги манба — юртимизнинг таниқли олими Ғайбуллоҳ ас-Салом ҳамда шогирдлари Неъматуллоҳ Отажон қаламига мансуб «Жаҳонгашта «Бобурнома» монографиясидир.

«ЖАҲОНГАШТА «БОБУРНОМА» — БОБУРШУНОСЛИҚДА ЭНГ ЯНГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ СИФАТИДА

«Жаҳонгашта «Бобурнома» монографиясини энг янги илмий тадқиқот деб баҳолашимизнинг сабаби нимада?

Балки мазкур монография муаллифлари — Ғайбуллоҳ ас—Салом ва Неъматуллоҳ Отажон Бобуршунослик, «Бобурнома» шунослик жабҳасида янги номлардир? Албатта, бундай эмас. Бу хусусда муаллифларнинг ўзларига мурожаат қилайлик.

«Роса чорак аср бўлибдики, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида «Вақоеъ» («Бобурнома» — изоҳ бизники, Ғ.М.)ни ҳамда унинг турли тилларга қилинган таржималари ўрганилмоқда, — деб ёзади монографиянинг хулоса қисмида профессор Ғайбуллоҳ ас-Салом. — Камина мискиннинг илмий раҳнамолигимда асарнинг инглиз, олмон, франсуз, турк, рус тилларига қилинган таржималарини астойдил ўрганишга киришилган эди. Ўтган давр орасида русча таржималарни шогирдларим Лола Ҳужаева, олмонча таржималарни — Ғулом Ҳужаев, французча таржималарни — Фотима Салимова, инглизча таржималарни — Сайёра Шукруллаевалар тадқиқ қилиб, номзодлик рисолаларини ёқлашди. Улар орасида икки иш: Лейден — Эрскин билан Анетта Беверж хонимнинг инглиз тилига қилинган бой таржималари таҳлил юзасидан Неъматуллоҳ Отажон ўзининг номзодлик ва докторлик илмий рисолаларини ёқлади. Бу орада профессорлик унвонини ҳам хатм қилди. Бу «Бобурнома» таржимачилиги тарихи ва таҳлили юзасидан олиб борилган илмий изланишлар соҳасида «Ғалвирни сувдан кўтариш» палласи келганини кўрсатади».

Аён бўляпти-ки, «Жаҳонгашта «Бобурнома» узоқ йиллик ижодий меҳнат самараси экан. Домланинг иборасозликларини давом эттирадиган бўлсак, ушбу рисола «ғалвир»да сараланиб қолган тўқ мағизли фикрлар мажмуидир. Бунгача, яъни монография яратилишига қадар эса, «Бобурнома»дек маҳобатли асарнинг бениҳоя бой таржималар тадқиқини профессор Ғайбуллоҳ ас-Салом шогирдлари томонидан мамлакатимизда ҳамда халқаро миқёсда илмий анжуманларнинг кун тартибига киритишга муваффақ бўлинди. Жумладан, УзФА даги Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланган илмий сессиясида, Буюк Британиянинг Оксфорд университетида, АҚШнинг Принстон университетида.

Энди «Жаҳонгашта «Бобурнома» монографиясини Бобуршуносликда янги илмий тадқиқот сифатида баҳолашимиз сабабларига келсак, улар қуйидагилар:

— Аввало, монография мустақиллик йилларида яратилган ва тадқиқот манбаига бугуннинг талабига мос равишда юксак миллий маънавият ила ёндашилган, муқаддас истиқлол руҳи билан суғорилган залворли илмий тадқиқот ҳисобланади.

— асар замонавийлиги билан жаҳон талабларига тўла мос келадиган илмий адабиёт сифатида жуда қимматлидир;

— асарда биринчи марта «Бобурнома»нинг инглиз, турк, рус, қисман франсуз ва форс тилларига қилинган таржималари адабий—қиёсий, тарихий—услубий андозалар асосида ўрганилган;

— асарда илк маротаба мавжуд мукаммал таржималар асосида (Анетта Сусанна Беверож) асл нусханинг кемтик қисмларини тўлдириш, кемтик ва сайёр сюжетларнинг юзага келиши, матн ва таржима вобасталиги, муншаот услуби ва таржимаси, таржимада илмий—бадиий синтезлашув ҳодисаси каби баҳслар илмий истифодага киритилган;

— монографияда жаҳон Бобуршунослигида биринчи марта «Бобурнома» каби адабий—тарихий, жўғрофий—этнографик қомусий обиданинг тўртта инглизча таржимаси бақамти ҳолда таҳлил этилган;

— хорижий илмий-тадқиқот манбаларининг Мирзо Бобур ижодига, унинг шахсига берган баҳолари, «Бобурнома»ни Европа муҳитида идрок этиш, англаш ва қабул қилиш тадрижиёти, таржимавий узвийлик, давомийлик ва ворисийлик жараёни илк дафъа йирик монография саҳифаларида таҳлил ва таҳлил қилинган;

— китобда илк марта «Бобурнома»нинг янги таржималари юзага келиши сабабларини очишга қўл урилган;

— монографияда таржималар тарихи, уларнинг бир-биридан фарқи, «Бобурнома» устида олиб борилган илмий ишлар билан бадиий асарларни солиштириб таҳлил қилиш имкониятлари очиб берилган;

— китобда мураккаб назарий масалалар барча ихтисос кишиларини ўзига жалб этадиган бир мароқли услубда таҳлил қилинган. Хусусан, илмий-адабий таҳлилда геометрик чизмалар, арифметик ишора ва амалларнинг ишлатилиши тадқиқ этилган муайян масалани тушунишни осонлаштириш баробарида, монография тилига янгича руҳ, ранг-баранглик бағишлаган.

«ЖАҲОНГАШТА «БОБУРНОМА»ДА ЗАҲИРИДДИН БОБУР ВА «ВАҚОЕЪ» ТАЪРИФИ

«Жаҳонгашта «Бобурнома» дек илмий-тадқиқот асарида буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймоси ажиб бир ҳассослик, шарқона чечанлик ва айни пайтда, мутлақо аниқлик ва ростгўйлик ила тарихий-бадиий адабиётларда ҳам учрамайдиган ажиб бир алфозда тасвирланиши эътиборга лойиқдир.

Масалан, монографиянинг «Ифтихор ва ҳамд ёки шафқатсиз ҳақиқат» бўлимида «Бобур сингари инсонлар фақат муайян бир иқлим ёки ҳудуд намояндаси эмас, балки умумбашарий сиймолар қаторидан урин олади», дея Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига нисбатан биллирилган юксак, айни чоғда жуда муносиб баҳони ўқиймиз.

Бошқа бир уринда эса «Бобурнома»дек чинакам ҳайратангиз асар яратган ва ўзбек адабиётининг ривожи муаммоларини, алоҳида ёзувчилар фаолиятини ёки айрим асарларини таҳлил қилиш билан шуғулланди.

А.Расулов ўнлаб китоблар, бир неча дарслик, қўлланма ва дастурлар, юзлаб мақолаларнинг муаллифидир. У адабий танқидчиликнинг хилма-хил жанрларида қалам тебратди. Тақриз, илмий обзор, проблематик мақола ва адабий портретлар ёзди.

А.Расуловни бадиий асарнинг қаҳрамонлари кўпроқ қизиқтиради. Munaққид уларнинг маънавий оламини, характер психологиясини синчиклаб кузатади. Бадиий асар муаллифининг ўз қаҳрамонини қандай «тарбиялагани»ни жиддий ўрганади. Олимнинг «Янги замон — янги қаҳрамон» (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978) номли китобида жамланган мақолалар бунинг исботидир.

Шунингдек, munaққид ёзувчи дунёқарашидаги саёзлик, воқеа-ҳодисалар моҳиятидаги мураккабликларни теран таҳлил эта олмаслик каби камчиликлар қаҳрамонларнинг «сталаб юрилиши»га сабаб бўлишини ҳам куюнчаклик билан ёзади. «Ўз ишини енгиллаштирмоқчи бўлган ёзувчи схематизмга йўл қўяди: қаҳрамонларни «текис» йўллан олиб ўтади, кейинчалик замонавий ўзбек қиссачилигида ижобий қаҳрамон масаласига бағишланган номзодлик диссертациясида ва «Янги замон — янги қаҳрамон» номли биринчи китобида янада чуқурроқ исботлашга ҳамда асослашга интилди.

Хуллас, ўша дастлабки жиддий мақола танқидчилигимизга изланувчан, янгиликка ташна ва ўз свозини, услубини топишга интилаётган бир истеъдодли тадқиқотчи кириб келганидан далолат берган эди. Абдуғафур Расулов қарийб 35 йил давомида адабий танқидчилик соҳасида тинимсиз изланди. Интеллектуал қаҳрамон масаласига бағишланган юқоридаги мақола билан Абдуғафур Расулов танқидчилик соҳасида босиб ўтган ижодий йўлнинг биринчи даври бошланади. 70-йилларнинг охирларигача munaққид кўпроқ ўзбек адабиёти ривожи муаммоларини, алоҳида ёзувчилар фаолиятини ёки айрим асарларини таҳлил қилиш билан шуғулланди.

А.Расулов ўнлаб китоблар, бир неча дарслик, қўлланма ва дастурлар, юзлаб мақолаларнинг муаллифидир. У адабий танқидчиликнинг хилма-хил жанрларида қалам тебратди. Тақриз, илмий обзор, проблематик мақола ва адабий портретлар ёзди.

А.Расуловни бадиий асарнинг қаҳрамонлари кўпроқ қизиқтиради. Munaққид уларнинг маънавий оламини, характер психологиясини синчиклаб кузатади. Бадиий асар муаллифининг ўз қаҳрамонини қандай «тарбиялагани»ни жиддий ўрганади. Олимнинг «Янги замон — янги қаҳрамон» (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978) номли китобида жамланган мақолалар бунинг исботидир.

Шунингдек, munaққид ёзувчи дунёқарашидаги саёзлик, воқеа-ҳодисалар моҳиятидаги мураккабликларни теран таҳлил эта олмаслик каби камчиликлар қаҳрамонларнинг «сталаб юрилиши»га сабаб бўлишини ҳам куюнчаклик билан ёзади. «Ўз ишини енгиллаштирмоқчи бўлган ёзувчи схематизмга йўл қўяди: қаҳрамонларни «текис» йўллан олиб ўтади, «Юлдузлар мангу ёнади», А.Ибодиновнинг «Оқ, оппоқ булутлар» қиссалари юзасидан мулоҳазаларини баён этади. Бу истеъдоди даражаси ҳам, танланган мавзулари ҳам, тасвир имкониятларию адабий ниятлари ҳам хилма-хил ёзувчиларни munaққид муайян масала атрофида бир нуқтага уюштиради. Муаллиф бу асарлардан инсонни излайди. Бадиий адабиётни том маънодаги инсонпшунослик деб тушунган Н.Чернишевский, Н. Добролюбов сингари машҳур танқидчиларнинг анъаналарига асосланади. Инсон зотининг тўлақонли, жонли образини яратган, инсон характерининг энг ноёб, энг сирли жиҳатларини ёритган ёзувчилар муваффақиятини кўриб завқланади. Қиссанависларнинг маҳорат масаласида оқсаган эпизодларни кўрсатади.

А.Расулов 80-йилларда адабий танқидчиликнинг методи, талқин этиш ва баҳолаш принципларини янада жиддий ўрганди. «Танқидчилигимиз уфқлари» (Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985) номли китобидан ўрин олган «Теран томирлар» мақоласи айнан ўша муаммолар доирасида баҳс юритади. Мақолада адабий танқид адабиётшунослик биқид олдида энди иккита шахс, иккита асар кўндаланг туради. Бири бадиий ижод одами, иккинчиси — илм, бири — бадиий асар, иккинчиси — илмий. Бунда меҳнат икки баравар, машаққат икки ҳисса, масъулият икки қарра ошади. Абдуғафур Расулов «Танқид тарозусининг олмос тоши» мақоласида ана шу жараёнлар хусусида баҳс юритади.

Абдуғафур Расулов заҳматкаш, изланишдан толмайдиган олим. У адабиётимиз тарихидаги сиймоларга муносабат масаласи бўладими, бадиий адабиётнинг метод масаласи ёки муайян давр адабиётини номлаш масаласи бўладими, ўз фикрини билдириб, матбуотга чиқади. Айрим мисолларга мурожаат этайлик. 90-йилларда А.Қодирий ижоди янгича талқин қилина бошлангач, munaққид «Ҳожи нечун лабини тишлади?» («Ўтган кунлар»нинг янгича талқини туркумидан. «Меҳнат» газетаси, 1994 йил 1 ноябрь.) «Қодирий боғи сирсиноатлари» («Миллий тикланиш», 1996 йил 9 апрель) каби мақолаларини эълон қилди. «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг 1992 йил 23 январь сонида «Чўлпон жасорати ва маҳорати», Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» китобининг нашри муносабати билан эса «Иккинчи умр ато этилаётган асар» («Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 10 апрель) номли мақолаларини чоп эттирди.

Совет адабиёти атамасини А.Расулов «янги давр адабиёти («Ватан» газетаси, 1992 йил 23-30. декабрь) номли мақоласида «Янги ўзбек адабиёти» деб номлашни тавсия этади. «Социалистик реализм ўйлаб топилганмиди?» («Узбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1996 йил 27 сентябрь) деб аталувчи кейинги мақолаларининг бирида ҳам у адабий-илмий жамоатчилик орасида жиддий баҳс бўлаётган ижодий метод масаласига муносабат билдирди.

Абдуғафур Расулов ҳам олим, ҳам муаллимдир. У салкам 40 йилдан бери ТошДУ талабалари билан бирга. Шу туфайли унинг ижодий-илмий фаолиятида дастур, дарслик ва қўлланмалар алоҳида ўрин тутиши табиий.

Муаллим 1982 ва 1987 йиллари университетлар ва педагогика институтларининг ўзбек филологияси факультетлари учун «Узбек танқидчилиги тарихи курси программаси»ни тузиб, нашр эттирди. Унинг профессор Н.Худойберганов билан ҳаммуаллифликда чиқарган «Ўзбек адабий танқидчилиги» (Т., «Ўқитувчи», 1990 йил) китоби университетлар ва педагогика институтларининг ўзбек филологияси мутахассислиги бўйича таҳсил оладиган талабалар учун дарслик сифатида қўлланиб келади.

Санжар СОДИК,
Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари номзодлари.

ТАНҚИДЧИЛИК МАШАҚҚАТЛАРИ

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 388-болалар боғчаси намунали тарбия масканларидан бири. Боғчада 12 та гуруҳ мавжуд бўлиб, унда 290 нафар жажжи кичкинтой тарбияланаётир. Эмма Шапавалова, Людмила Гайдакова, Софья Раҳматуллина, Шоира Сиддиқова сингари меҳри дарё, болажон мураббийлар дилбандлар атрофида парвоналар.

Бугун боғчада тантана — битирувчилар куни байрам қилинмоқда. Қирқ нафар жажжи ўғил-қиз мактаб остонасига илк бор қадам қўяди. Босган қадамларингдан дуру гавҳарлар унсин, болакай!

СУРАТЛАРДА: битирувчилар куни тантанасидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД ва Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Yulduzlar olamiga yo'l

БИРИНЧИ ТАЛОФАТЛАР

Муваффақиятли космик учишлар ўз-ўзидан осон бўлмаган. Космонавтиканинг мукаммал техник системалари ҳам осонликча яратилмаган. Бу учишларни таъминлаш учун минглаб олимлар, инженерлар, техниклар ўз ҳаётларини бағишлаганлар. Мазкур соҳадаги тажрибалар юқори даражадаги ҳароратлар, катта босимлар, вакуум ва радиациялар, бошқа хатарли шароитлар билан боғлиқ бўлади. Ниҳоятда катта эҳтиёткорликни талаб қилади. Афсуски, ғоялар қуршовига тушган тадқиқотчилар кўпинча эҳтиёткорликни унутиб қўйишади. Масалан, немис ракета тадқиқотчиси Макс Вальс 1960 йилнинг бир шанбасида кечгача лабораторияда суюқ ёнилғили ракета юриттгичининг ёниш камерасини яқиндан туриб ишлатиб, текшираётганида юриттгич портлаб кетган. Юриттгичнинг катта булаги унинг кўкрагига катта тезлик билан урилган ва у қонга беланиб ўлган. 1933 йилда Германияда тадқиқотчи Тиллинг ўз лабораториясида ракетанинг қаттиқ ёнилғиси устида тажриба ўтказаётганида тажриба ускуналари портлаб кетган. Тиллинг билан бирга лаборант қиз ва лаборатория механиги ўша заҳоти ўлган.

1960 йилнинг 24 октябрида Бойқўнғирдаги ўнинчи старт майдончасидан учириш учун оғир баллистик ракета тайёрланаётганида катта фожиа юз берди. Ракета заправкасидан кейин унинг бошқариш системасида нуқсон борлиги сезилган. Қоида бўйича ракетадан ёнилғи қуйиб олингандан кейингина нуқсонни тузатишга киришиш мумкин эди. Лекин, ёнилғи олинмасдан ҳам нуқсон тузатилавериши керак, деган буйруқ бўлди, чунки раҳбарият режа бажарилмай қолишидан ҳадиксираган. Бунинг устига ёнилғи бакларининг биридан ёнилғи сизиб оқаётгани маълум бўлиб қолди. Оқиш кам бўлгани учун бунга ҳам жиддий эътибор беришмади. Кечқурун соат олти яримда ярим соатлик тайёргарликка буйруқ бўлди. Ракетадан атиги 20 метр масофада старт майдончасида ҳеч қандай ҳимоясиз Совет Иттифоқи ракета қисмларининг бош қўмондони, маршал М. И. Неделин тайёргарликни кузатиб турарди. Унинг атрофида қатор вазирликларнинг раҳбар ходимлари, бош конструкторлар ўтиришибди. Ракетанинг бошқариш системаси текшириб курилаётганида тўсатдан иккинчи босқичининг юриттгичи ишга тушиб кетди ва ундан чиққан оловсимон газлар биринчи босқичнинг ёнилғи бакларини эритиб, катта ёнғин чиқарди. Натижада кучли портлаш содир бўлди. Старт майдончасидагилардан ҳеч нарса қолмади, ҳатто асфальт ҳам эриб, узоқроқдагилар ёнаётган кийимларини ечиб қочсалар-да, катта ҳароратдан куйиб ўлдилар, парланиб кетдилар. Улардан фақат ёнмайдиган нарсалари қолди, холос.

1967 йилнинг 27 январида АҚШнинг Ж. Кеннеди номли космик марказнинг учириш комплексида фожиа юз берди. У ерда «Сатурн-16» ракета «Аполлон»нинг асосий блоги билан ўрнатилган эди. Астронавтлар Вирджил Гриссом, Эдуард Уайт, Роджер Чаффи «Аполлон»нинг кабинасида Ойга биринчи учишдан олдин машқ қилишар эди. Ҳали ракета ва кемада заправка қилинмаган, пиротехник ускуналар ўрнатилмаганди. Кутилмаганда 18 дан 31 минут ўтганда кабинада ёнғин чиқди. У ўчирилди, лекин аэронавтлар нима бўлганини билмай ҳам қолиб, ёниб кетишди. Комиссия томонидан аниқланган хулоса эса шундай бўлди: 1) кабинанинг жиҳозлари тез ёнувчи материаллардан қилинган эди; 2) хизматдагилардан бири гайка бурайдиган калитни қолдирган бўлиб, аэронавтлардан бири уни бехосдан электр симларининг ялангочланган жойига қўйган ва уларнинг қисқа уланишидан ёнғин чиқиб кетган.

Шу йилнинг 23 апрелида собиқ СССРда «Союз-1» космик кемасида космонавт В. М. Комаров орбитага чиқди. Бир кундан кейин учта космонавт билан «Союз-2» учирилиб, «Союз-1» билан бирлашиши керак эди. Дублерлар ичида Ю. Гагарин ҳам бор эди. «Союз-1» орбитага чиққандан кейин маълум бир вақт қисқа тўлқинларда алоқа бўлмай қолган, фақат ультрақисқа тўлқинларда алоқа тикланган. Комаров қуёш батареясининг битта панели очилмай қолганини айтган. Батареяларни Қуёш томонга бурай олмаган; кемада ҳарорат режими бузилиши турган гап эди. Шундай қилиб программа бузилган ва космонавтни ерга қайтариш лозим эди. Лекин бунда ҳам тормозловчи двигателларни ишга туширишдан олдин кемани тушишга тўғри йўналтириш керак эди. Энергетика етарли бўлмагандан астроориентация ҳам ишдан чиққан. Комаров ҳеч нарса қила олмай қолди. Телеметрия тормозланиш содир бўлганини кўрсатди. Кема Орсқдан 65 км шарққа бориб тушди. Кема ёниб Ерга қаттиқ урилган эди... Бир соатдан кейин кема қолдиқлари орасидан Комаровнинг улиги топилди. Ҳалокатнинг сабаби парашют тўлиқ очилмаганидан эди.

АҚШнинг кўп марта фойдаланишга мўлжалланган космик кемаси «Спейс Шаттл»нинг «Челленжер» вариантида 1986 йилнинг 28 январида содир бўлган ҳалокатни энг даҳшатли десак бўлади. Бу ҳалокатнинг тафсилотидан олдин шу турдаги космик кемаларнинг тузилиши ва ўзига хос томонларига бироз тўхталамиз...

«Спейс Шаттл» дегани «космик моки» маъносини беради, яъни космосга кўп марта бемалол бориб келавериши англатади. «Спейс Шаттл»нинг старт массаси ~ 2000 т, узунлиги 56 м; 2 босқичли схемада бажарилган бўлиб, старт пайтида иккала босқич юриттгичлари бирдан ишлайди. Биринчи босқичи иккита қаттиқ ёнилғили бир хил тезлатгич ракеталар блогидан иборат; ҳар бир ракетанинг массаси 584 т, узунлиги 45,7 м, диаметри 3,71 м, ёнилғиси ~ 500 т, ишлаш вақти 122 с, ўртача кучи 12,4 МН. Иккала ракета ишлатилиб бўлгач, ~ 40 км баландликда космик кемадан ажратиб юборилади; улар ~ 70 км баландликкача учиб чиқиб, тумшуқларига жойланган парашют системалари ёрдамида океаннинг тегишли районига тушишади ва қутқазиб олинади (шу зайлда 20 марта қайта ишлатилиши мумкин бўлади). Иккинчи (орбитал) босқич қанотли бўлиб, самолёт типида ясалган, массаси 111 т, узунлиги 37,3 м, қанотининг катталиги 23,8 м, кил бўйича баландлиги 17,3 м; суюқ кислород ва водородда ишлайдиган 3 та суюқ ёнилғили асосий ракеталар ва 2 та маневр учун керак бўладиган ракеталари, ориентация учун 44 кичик ракеталари бор (ёнилғиси азот ва монометилгидразин). Иккинчи босқичнинг ташқи ёнилғи бакининг массаси 736 т, узунлиги 46,8 м, диаметри 8,4 м; унинг ёнилғиси ишлатиб бўлингач ажратиб юборилади, атмосферада қисман куйиб бузилади, океанга тушади

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ.

(Давоми бор).

Боши ўтган сонларда.

ҚАДРЛИ ҚИЗЛАР!

Агар Сиз тикувчилик касбини эгалламоқчи бўлсангиз, тикиш, кийимларни лойиҳалаштириш, модали кийимларни бичиш, моделлаштириш, машинада кашта тикиш сирларини эгалламоқчи бўлсангиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙИГА

ЎҚИШГА КИРИНГ

Келишилган шартномалар, танлов асосида ўқишга 9 ва 11-синфни тугатган қизлар қабул қилинади.

9-синфни битирган қизлар 2 йил ўқийдилар. Уларга ҳар ойда 917 сўмдан 1150 сўмгача стипендия берилади.

11-синфни битирган қизлар эса 1 йил ўқийдилар ва ҳар ойда 750 сўмдан ортиқ стипендия берилади.

КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙИНИ битирганлар эгаллаган касби бўйича малака разрядлари белгиланган диплом оладилар. Улар ширкатлар, ижара, хўжалик ҳисобидаги қўшма ва давлат корхоналарида ишлаш имкониятига эга бўладилар.

ЎЗ ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

1. Касб-ҳунар лицейи Бош раҳбари номига ариза.
2. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома.
3. Турар жойидан маълумотнома.
4. 6 дона 3х4 см. ҳажмида фотосурат.
5. Танлаган касби бўйича шуғулланиши мумкинлиги ҳақида ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (086-У).
6. Ота-онаси иш жойидан маълумотнома.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, М. Мироқилов кўчаси, 68-уй.

38, 58, 67-автобуслар 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар, 13, 16-троллейбусларнинг «Бобур боғи» номли бекати.

Телефонлар: 55-78-32, 55-78-30.

РЕСПУБЛИКА КАСБ-ҲУНАР ЛИЦЕЙИ МАЪМУРИЯТИ.

Xullas...

ОЁҚҚА ЖАБР БЎЛДИ

Львовлик нафақахўр қария Василий ўз қули билан граната ясади. Бечора чол бирор ернинг қулини кўкка совурмоқчи эмасди, албатта. Шунчаки, ғалаба байрами куни «салют» маъносида портлатиб ўз кашфиёти билан эски қуролдош биродарларини бир хурсанд қилмоқчи эди, холос. Ҳа, қарияси тушмагур шундай қилди. Бироқ портлаш натижасида осколка ўнг оёғининг болдиридан чўрт узиб кетди.

ОРЕНБУРГЛИК ОТЕЛЛО

Икки қўлида икки ўткир пичоқ, юз-кўзида қаҳру ғазаб билан Александр Оренбургнинг чекка бир кўчасида зипиллаб кетиб борарди. У ўзини ташлаб бошқа биров билан қўлтиқлашиб кетган, айни пайтда данғиллама тўй бошлаб юборган собиқ хотинини ўлдириш фикрида эди. Тан олиш керак, ҳозирги замонда бундай номус ҳимояси учун ҳар ким ҳам ботинолмайди. Шунинг учун ҳам Александрга жиндек томоқни «мойлаб», журъат тўплашга тўғри келди. Бироқ, журъат тўплашга тўпладию тўйхонани тополмай тентирай-тентирай адашиб кетди. Йўлда бирин-кетин иккала пичоғини ҳам ташлаб йўқотиб қўйди. Бироздан сўнг қаёққа қандай мақсадда кетаётганини ҳам унутди. Буни қарангки, у шу пайт тўйхона устидан чиқиб қолди. Таниш-билишлар қўярда-қўймай Александрни дастурхонга таклиф этишди. Кўп ўтмай пичоқ тутган қўлларда қадаҳ, сўкиш-ҳақорат банд этган тилларда табрик сўзлари пайдо бўлди. Тўрда ўтирган келин собиқ эридаги бундай олижанобликни, сипогарчиликни кўриб ўзини тутиб туролмади. «Саша!», дея ҳайқириб Александр томон отилди.

АСАБНИ АСРАНГ, АСАБНИ

У ёлғизлик ва жимжитликни севарди. Ана шу севгиси туфайли қулига қурол олишга мажбур бўлди. Мана, неча ойки қўшни ҳовлида ичкиликбозлик, маст-аласт шовқин-сурон унинг тинчини бузиб, асабларини эговлаб юрибди. Қурол кучи билан бўлса-да, дарҳол бундай тартибсизликнинг олдини олиш зарур.

У мастона қийқириқлар авж олган қўшни уй эшигининг қўнғироғини босди. Қўлида уқланган ов милтиғи. Эшик шарақлаб очилди. У ҳеч иккиланмай эшик очган маст қўшнининг кўксини мўлжаллаб ўқ ўзди...

Шундай қилиб челябинсклик ёлғизлик ва жимликсевар Григорий Д. «орзу»сига етди. Қилмиши учун махсус қамоқхонанинг махсус камерасида ёлғиз ва жимжит 14 йил ўтирадиган бўлди.

ana shunaqa gaplar

Республика Таълим маркази раҳбарияти ҳамда жамоаси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти психология кафедраси мудири, профессор Муҳаммад Давлетшинга опаси Рашида ИСҲОҚОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Sport maydonchasi

«ҚИРОЛ»ЛАР ИМПЕРАТОР ҚАРОРГОҲИНИ ТАНЛАШДИ

Жаҳон шоҳмот қироллиги асримизнинг охирги ўн йилликларида бевосита икки буюк шоҳмотчи А. Карпов ва Г. Каспаровларга тегишли бўлиб қолди. Улар ўртасидаги келишмовчиликлар эса Халқаро Шоҳмот Федерациясига анчайин парокандаликлар келтирмоқда. Тиниб-тинчимас французлар эса бир неча йиллик танаффуслан кейин яна икки буюк «К»лар ўртасидаги учрашувни уюштирадиган бўлишди. Бунинг учун 3 миллион доллар мукофот пули ҳам ажратилди. Агар томонлар ўз аҳдларида турсалар бу учрашув шу йилнинг 21 октябрида бошланиши керак. Яна қаерда денг бир пайтлар буюк император Наполеоннинг қароргоҳи бўлган Компьень шаҳрида.

МИЛЛИОНЕР «СПОРТЧИЛАР»

Буни қаранг, спорт отлари ҳам анча-мунча «даромад» қилишар экан. Ўтган бир йилда Сигара — 4910000, Настарин қўшиғи — 1161133, Ҳазрати олийлари (қирол отлари авлодидан бўлса керак) эса 685072 доллар ганорар «олишипти». Қизиг-а, тўрт оёқли жониворлар бу пулларни нима қилишар экан. Балки банкка қўйишар?!

ОММАВИЙЛИК ОШМОҚДА

Дўстлик, тинчлик рамзи, ёш авлоднинг соғлом ўсиши гарови бўлган спортни янада оммалаштириш энг тўғри йўл. Ёшлар олимпиадаси ташкил этиш ғояси билан чиққан россияликлар 1998 йилнинг ёзида Москва шаҳрида бутун дунё мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг барча тури бўйича катта мусобақа ўтказишмоқчи.

ИККАЛА МАЙДОНДА ҲАМ БИРДЕК

Спорт мухлисларининг севимли нашри бўлган «Спорт» газетасининг 65 йиллиги муносабати билан ижодий жамоалар ўртасида қизиқарли футбол бўлиб ўтди. Мусобақаларда 9 та жамоа: «Шарқ», «Спорт», ТВ+, «Ватанпарвар», «Шарқ юлдузи», «Соккер клуб», «Ватан», ТВ—1, МДФ лар иштирок этишди. Ижодкорлар футбол ҳақида кўрсатиш, ёзишнигина эмас, балки уни қойиллатиб ўйнай олишларини ҳам намойиш этишди. Барча рақибларини доғда қолдирган ТВ—1 жамоаси мусобақа ғолиби бўлди.

БИЛЛУР СОВРИН САРИ

Ўзбекистон кубоги чорак финалининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Унда «Темирйўлчи» — «Нефтчи» — 1:1, «Насаф» — «Пахтакор» — 2:0, «Навбаҳор» — «Бухоро» — 4:1, «Дўстлик» МҲСК — 3:1 ҳисоби қайд этилди. Жавоб учрашувлари миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг биринчи босқичини якунлагандан кейин бўлади.

Республика болалар техник ижодиёт марказида ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган ракетасозлик ва картинг бўйича мусобақа бу йил ҳам қизиқарли ва қизғин беллашувлар остида ўтди. Мусобақа жараёнини ҳакамлар ҳайъати аъзолари холис баҳолаб боришди.

СУРАТЛАРДА:

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги болалар техник ижодиёт маркази спортчилари ҳам мусобақада муваффақиятли қатнашишди. Мусобақанинг энг ёш иштирокчиси шу тумандаги 5-мактабнинг 4-синф ўқувчиси Руслан Галямовга устози Ренат Галямов пойга олди тайёргарлиги хусусида тушунча бераяпти.

Ёш картингчилар тўсиқлараро пойгада ўз маҳоратларини аъло даражада намойиш этдилар.

Шаҳрисабзлик ёш ракетасозлар устози Абдулла Каримов билан ясаган ракета моделларини учиришга ҳозирлаётирлар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Ҳурматли муштарий! Қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклга ёзиш билан машқни ҳал этинг.

Юқоридан пастга: 1. Утмишда ҳуснихат эгаси бўлган китоб кўчирувчи. 7. Матбуот ходими.

Юқоридан паст томонга: 1. Вақт ўлчови асбоби мутахассиси. 7. Иморатсоз уста.

Энига: 8. Тўқимачиликда ишлатиладиган ашё. 10. Ўз номидан ёки бирор фирма номидан савдо-сотиқ ишларини юритувчи. 11. Тикувчилик асбоби. 12. Маълум ҳунарни мукаммал билувчи, уни ўргатувчи устоз. 13. Ёввойи жониворларни тутиш билан шуғулланувчи киши. 14. Каштадўз, моҳир тикувчи.

Бўйига: 3. Достонлар тўқиб, куйловчи ижодкор. 4. Металлга ўйиб безаклар ишловчи ҳунарманд. 5. Чигит экиб, хирмон уювчи деҳқон. 6. Мураккаб қурилмаларни бошқарувчи юқори малакали ишчи. 8. Сўзлашув воситаси қонун-қоидаларини ўрганувчи мутахассис. 9. Ижодкор аёл.

Муаммонома

Қуйида таърифланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Радио, ойнаи жаҳон ходими, сўз устаси — 13, 10, 17, 1, 3, 5, 6, 3.

2. Мевазор ва гулзорлар бунёдкори — 12, 6, 7, 12, 6, 3.

3. Ораслалик буюмлари савдогари — 1, 14, 14, 6, 4.

4. Қомус асосида берилган имконият, эрк — 9, 10, 11, 10, 11.

5. Савдо-сотиқ муомаласида воситачи — 5, 1, 8, 8, 6, 8.

6. Билим, маърифат, нур — 16, 2, 15.

Энди жавоблардаги ҳарфлар асосида шаклнинг юқори ва остки катакларидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Бунда аён бўладиган бир ҳикматли байт XIV аср ўзбек санъаткор шоири Хоразмийга мансуб.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Газетамизнинг 14 июнь сонида берилган «Тарих саҳифаларида» топқирлик машқининг жавоблари.

1. Хоразм. 2. Мовароуннаҳр. 3. Расадхона. 4. «Авесто». 5. Обираҳмат. 6. Тешиктош. 7. Шош 8. «Широқ». 9. Кўқон. 10. Наршахий, 11. Йилнома. 12. Ахсикат. 13. Тўмарис. 14. Суғдиёна. 15. Айритом. 16. Мирхонд. 17. Девонбеги. 18. Ичон қалъа. 19. Ажам. 20. Мангит. 21. Турон. 22. Номоз. 23. Зирабулоқ. 24. Қулдорлик. 25. Кушон.

Муаммономада: «Темур тузуклари» таржимони Алихон Тўра Соғуний.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ МИЛЛИЙ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТ

1997-98 ўқув йили учун ТАНЛОВ АСОСИДА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Миллий лицей-интернатга республикамиздаги барча мактабларнинг 8-синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугатган ҳамда техника соҳасига қизиққан иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Ҳужжатлар 1997 йилнинг 15 июнидан 30 июнигача ва 1 августдан 15 августгача қабул қилинади.

Лицей-интернатнинг 9-синфларига ўқувчилар қуйидаги йўналишлар бўйича фанлардан, ҳамда она-тили ва адабиётдан тест-суҳбат асосида қабул қилинади:

1. Математика — физика.
2. Математика — чет тили.
3. Математика — кимё.

Лицей-интернатда информатика-компьютер фани ва инглиз тили махсус дастур асосида чуқур ўргатилади.

Суҳбатлар қабул ҳайъатининг махсус жадвали асосида 15 августдан 20 августгача ўтказилади.

Машғулотларни университетнинг ва лицей-интернатнинг тажрибали профессорлари, малакали ўқитувчилари олиб боради.

Лицейга қабул қилинганлар бепул овқат, ётоқхона билан таъминланадилар.

Шаҳар, туман, вилоят олимпиадаси ғолиблари лицейга имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

1. Директор номига ариза.
2. Мактаб педагогика кенгаши тавсиянома-йўлланмаси.
3. 6—8-синфлар табеллари.
4. Тиббий маълумотнома (086-форма).
5. 4 дона 3х4 ва 6х9 ўлчамли фотосуратлар.
6. Яшаш жойидан маълумотнома.
7. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан кўчирма.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри, 700095, Талабалар шаҳарчаси, ТошДТУ 53-ётоқхонаси.

Телефонлар: 46-69-02, 46-08-78.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Наşбатчилар: Алишер НАЗАРОВ, Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0379. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6